

## Ҳамкорлик алоқаларининг янги уфқлари

Кейинги йилларда Президентимизнинг амалга ошираётган оқилона сиёсати натижасида Риштон тумани ва хорижий мамлакатлар ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилиди. Бу, ўз навбатида ҳамкорликни янада жонлантиришга туртки бўлмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилимоқда.

Ҳамкорликнинг янги саҳифаси ҳалқ манфаатлари йўлидаги янги мақсадлар ва истиқболлар билан тўлган. Очиқ, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорликни кучайтириш учун ҳам мустаҳкам пойдевор қўймоқда.

Бугунги кунда Риштон тумани имиджини илгари суриш, Риштон кулолчилик брендини хорижда оммалаштириш ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, шу кунга қадар Озарайжоннинг Исмоили, Япониянинг Майдзуру, Беларусиянинг Круглянски, Италиянинг Дерута, Туркиянинг Изник ва Кутахъя шаҳарлари билан Риштон тумани ўртасида биродарлашган шаҳарлари сифатида меморандум имзоланган эди. Ушбу мамлакатларга қилинган сафарлар ва уларнинг мамлакатамизга ташрифлари давомидаги мулоқотлар очиқлик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтди.

Имзоланган меморандумларга кўра, туманимиз ва хорижий мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорликни янада ривожлантириш, бошқа соҳалардаги алоқалар кўламини тобора кенгайтириб бориш масалалари диққат-марказида бўлди.

Ушбу ҳамкорликлар натижасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Айниқса, кулолиликни ривожлантириш дорасидаги лойиҳалар ўзини оқламоқда. Риштонлик уста кулоллар маҳсулоти дунё бозорини эгалламоқда.

Айтиш жоизки, ҳозирга қадар Республика бўйича ягона бўлган дунёнинг 5 та давлатининг олтига шаҳри билан биродарлашган Риштон тумани бу билан тўхтаб қолмоқчи эмас.

Айни кунларда Буюк Британия, Саудия Арабистони, Польша, Франция, Литва, Грузия, Хитой, Жанубий Корея ва Австралия мамлакатлари шаҳарлари билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида музокаралар давом этмоқда.

2024-02-23 10:45:50